(1-Тоифа)

**Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази экспозициясини шакллантириш учун илмий-инновацион лойиҳаларни бажариш тўғрисидаги фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги**

**ШАРТНОМА 1/1-18-сон**

Тошкент шаҳри «1» май 2025 й.

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ислом цивилизацияси маркази** (*кейинги ўринларда – "Буюртмачи"*) номидан, директор ўринбосари Р. Ражапов, 30.04.2025 йил кунги 03-сон ишончнома асосида иш юритувчи бир томондан,

Тошкент давлат шарқшунослик университети ректори

(*кейинги ўринларда – "Бажарувчи"*) номидан Устав асосида иш юритувчи, Г.Ш. Рихсиева иккинчи томондан,

**Олим** Худойназаров Исо Бойсаатович", (*кейинги ўринларда – "Ижрочи"*), учинчи томондан,

**Алоҳида муҳим ижтимоий, маданий ва тарихий аҳамиятга эга бўлган объектларни қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш дирекцияси** *(кейинги ўринда – "Молиялаштирувчи")* номидан Низом асосида иш юритувчи директор Шаабдурахманов Рустам Мавзурович тўртинчи томондан, кейинги ўринларда "Томонлар",

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 10 октябрдаги 686-Ф фармойиши, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси марказининг фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва мувофиқлаштириш бўйича Васийлик кенгаши мажлисининг 2025 йил 11 март 26 - сон баёни, Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази Кенгайтирилган Илмий кенгашининг 2025 йил 4 мартдаги 11-сон мажлис Баёни, "Илмий кенгаш"нинг 21.04.2025 йилдаги 13-сон қарорига ҳамда Техник топшириққа мувофиқ томонлар ўртасида мазкур шартнома қуйидагилар ҳақида тузилди:

## 1. ШАРТНОМА МАЗМУНИ

1.1.Мазкур шартнома бўйича, "Бажарувчи", "Ижрочи" "Ўзбекистондаги худудидаги қадимги ёзувлар намуналари лойиҳаси ва экспозиция қисми медиалойиҳаси номли илмий-инновацион лойиҳани Буюртмачи томонидан тасдиқланган Техник топшириқ ва Лойиҳа шартлари асосида бажариши ва унинг натижасини "Буюртмачи"га топшириши ҳамда "Буюртмачи томонидан тузилган ишчи гуруҳ (кейинги матнларда **"Ишчи гуруҳ"**) лойиҳа натижаларини ўрнатилган тартибда қабул қилиб олишни, "Молиялаштирувчи" эса лойиҳани "Буюртмачи" талабномаси асосида, молия ҳужжатларини расмийлаштиришни ва белгиланган муддатларда молиялаштириш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

**Шартномага: Лойиҳа шартлари ва техник топшириқ, Илмий Кенгаш қароридан кўчирма, Топшириқлар рўйхати, лойиҳа иштирокчиларининг реквизитлари илова қилинади ва ушбу барча қўшимчалар шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланади ҳамда Томонлар ушбу қўшимчаларни қабул қилганликларини тасдиқлашади.**

1.2. Лойиҳа бўйича белгиланган вазифалар, уларнинг бажариш муддатлари Буюртмачи ва Бажарувчи, Ижрочи томонидан ўрнатилган тартибда тасдиқланган Лойиҳа шартларида (кейинги ўринларда – **"Лойиҳа шартлари"**) белгиланади ҳамда лойиҳани амалга ошириш билан боғлиқ харажатлар, жумладан: меҳнатга ҳақ тўлаш, сафар, асбоб-ускуна ва бошқа



CamScanner yordamida skanerlangan

зарурий материал харажатлари Лойиҳа шартларига мувофиқ Ижрочи томонидан ўрнатилган тартибда расмий равишда Молиялаштирувчига тақдим этилади.

1.3. Шартнома муддати: «_1_»_май_ **2025 йилдан** «_31_ август_ **2025 йилгача.**

## 2. ШАРТНОМАНИНГ МОЛИЯВИЙ ҲАЖМИ ВА МОЛИЯЛАШТИРИШ ТАРТИБИ

2.1. Ушбу шартноманинг миқдори, Илмий кенгашининг 18.04.2025 йилдаги 13-сонли қарорда келтирилган суммадан келиб чиқиб, жами: __________ (_40000000_) сўм, (НДФЛсиз) маблағ Молиялаштирувчи томонидан молиялаштирилади.

2.2. Лойиҳага ажратилган маблағларнинг _50_ **фоизи аванс** кўринишида олдиндан тўлов ушбу шартнома имзоланганидан кейин (беш) иш кунида **"Ижрочи"нинг ҳисоб рақамига** Молиялаштирувчи томонидан тўғридан-тўғри ўтказилади.

2.3. Лойиҳага ажратилган маблағларнинг **қолган _50_ фоизи** Лойиҳа бўйича барча ишлар бажарилиб, ўрнатилган тартибда топширилгандан ва "Ишчи гуруҳ" томонидан қабул қилингандан бошлаб 15 (ўн беш) иш кунида **"Ижрочи"нинг ҳисоб рақамига** Молиялаштирувчи томонидан тўғридан-тўғри ўтказилади.

2.4. Буюртмачи - Ислом цивилизация маркази Илмий кенгашининг 18.04.2025 йилдаги 13-сонли қарори Ижрочи ва лойиҳа иштирокчилари томонидан кўрсатилган хизматлари учун тўланадиган маблағлар учун асос бўлади. Лойиҳанинг умумий миқдори __________ (_45454545_) сўмни ташкил этади.

Ижрочи ва лойиҳа иштирокчиларининг (кейинги ўринларда – Иштирокчи) хизматига ҳақ тўлаш Иштирокчининг банкдаги шахсий ҳисоб рақамига ўтказилади.

2.5. Бажарувчи ва Ижрочи ушбу шартнома доирасида ажратилган маблағларнинг мақсадли сарфланишига ва лойиҳанинг сифатли бажарилишига жавобгардир.

## 3. ТАРАФЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

**3.1. "Буюртмачи" ҳуқуқлари:**

3.1.1. Ушбу шартнома бўйича Бажарувчи, Ижрочи томонидан бажарилаётган ва якунланган ишлар мониторингини олиб бориш;

3.1.2. Ушбу шартномага асосан ишлар сифатли даражада бажарилмаганда, моддий зарар етказилганда Бажарувчи, Ижрочига нисбатан молиявий жарималар белгилаш ва бу ҳақда Молиялаштирувчига хабар бериш;

3.1.3. Бажарувчи, Ижрочи томонидан ушбу шартнома доирасида кўрсатилган хизматлар, тайёрлаган маҳсулотлар, тақдим этилган маълумотларнинг барчасидан фойдаланишнинг мутлақ ҳуқуқлари (эксклюзив ҳуқуқ) Буюртмачига ўтади, шу жумладан улардан қонунга зид бўлмаган ҳолда ҳар қандай усулда фойдаланиши, ишлатиши мумкин (оммавий намойиш этиш, эфирга узатиш, ижро этиш, тарқатиш, унинг асл нусхасини ёки нусхаларини сотиш ёки бошқа йўл билан бегоналаштириш, тарқатиш мақсадида асл нусхасини ёки нусхаларини импорт қилиш ёки ижарага бериш ёхуд қайта ишлаш).

3.1.4. Ушбу шартнома бўйича якуний натижага (маҳсулотлар, ишлар, хизматлар ва бошқа) эгалик ҳуқуқи тўлиқ равишда Буюртмачига тегишлидир.

**3.2. "Бажарувчи", "Ижрочи" ҳуқуқлари:**

3.2.1. Ўзбекистон Ислом цивилизацияси марказидан лойиҳанинг ижросига оид барча ахборот ва маълумотларни олиш;

3.2.2. Лойиҳа доирасида ажратилган маблағларнинг ўз вақтида ўтказилиши ва ўз муддатида молиялаштирилишини талаб қилиш.

3.2.3. Лойиҳани молиялаштириш кечиктирилганида Буюртмачини огоҳлантирган ҳолда лойиҳа ижросини тўхтатиб туриш ёки тўхтатиш;

3.2.4. Ташкилий масалаларни ҳал этишда Ўзбекистон Ислом цивилизацияси маркази имкониятларидан фойдаланиш.



CamScanner yordamida skanerlangan

**3.3. “Молиялаштирувчи” ҳуқуқлари:**

3.3.1. Мазкур шартнома шартларини Бажарувчи, Ижрочи томонидан тегишли даражада бажарилмаганлиги бўйича Буюртмачи томонидан тасдиқловчи ҳужжатлар (*кўрсатма-талабнома*) тақдим этилганда лойиҳани молиялаштиришни тўхтатиб туриш ёки тўхтатиш;

3.3.2. Бажарувчи, Ижрочи ташкилот тарафидан даврий молиявий ҳисоботлар белгиланган муддатларда топширилмаган тақдирда Буюртмачини огоҳлантирган ҳолда лойиҳани молиялаштиришни тўхтатиб туриш.

**3.4. “Буюртмачи” мажбуриятлари:**

3.4.1. Бажарувчи, Ижрочи томонидан календарь режага мувофиқ бажариб топширилган ишларни ўз муддатида қабул қилиш ва “Ишчи гуруҳ”га кўриб чиқиш учун тақдим этиш;

3.4.2. Илмий кенгаш томонидан тасдиқланган Техник топшириқ ҳамда лойиҳа шартларида белгиланган мавзунинг ижросини назорат қилиш;

3.4.3. Бажарувчи, Ижрочига лойиҳа шартларида белгиланган талабларнинг сифатли бажарилиши юзасидан кўрсатмалар бериш.

**3.5. “Бажарувчи”, “Ижрочи” мажбуриятлари:**

3.5.1. Календарь режага мувофиқ ишларни бажариш ва натижасини ўз муддатида Буюртмачига топшириш;

3.5.2. Бажарувчи ўз ходими бўлган Ижрочига илмий лойиҳа бўйича илмий-амалий ёрдам кўрсатиш, маслаҳатлар бериш, ишларнинг бажарилишини назорат қилиш, ҳамда илмий лойиҳа ҳужжатларини тасдиқлаб бериш;

3.5.3. Лойиҳани сифатли ва самарали бажариш учун зарур бўлган ашёлар, асбоб-ускуналар, қурилмалар, ишлаб чиқариш майдонлари билан таъминлаш ва бошқа зарур шароитларни яратиш;

3.5.4. Шартномада кўзда тутилган маблағлар ва товар-моддий бойликлар ҳисобини юритиш ва уларнинг мақсадли сарфланишини таъминлаш;

3.5.5. Лойиҳанинг ўз вақтида ва сифатли тарзда топширилишини таъминлаш;

3.5.6. Лойиҳа учун ажратилган маблағларнинг сарфланиши юзасидан молиявий ҳисоботларни ҳисобот давридан кейинги ойнинг йигирма бешинчи санасига қадар Молиялаштирувчига тақдим этиш;

3.5.7. Лойиҳа доирасида ажратилган маблағларнинг харажатлар сметаси асосида белгиланган тартибда ва миқдорда мақсадли сарфланишини таъминлаш;

3.5.8. Лойиҳа бўйича тайёрланган ҳисоботларнинг ишончлилиги, ҳаққонийлиги ҳамда лойиҳа мавзуси ва Лойиҳа шартларига мослигига жавобгардир.

3.5.9. Сўралган ҳисоботларни ўз вақтида тақдим этиш, тайёрланган маълумотлар ва ҳисоботларда қайд этилган маълумотларнинг тўғрилиги учун шахсан жавоб беради.

**3.6. “Молиялаштирувчи”нинг мажбуриятлари:**

3.6.1. Буюртмачи томонидан тақдим этилган талабнома ва мазкур шартномага асосан лойиҳани молиялаштириш;

3.6.2. Лойиҳага тегишли харажатлар сметаларида белгиланган маблағларни Буюртмачининг талабномасига кўра, Бажарувчи ташкилотнинг (ёки Ижрочининг) банкдаги ҳисоб рақамига тўғридан-тўғри ўтказиш;

3.6.3. Ўзбекистон Ислом цивилизацияси марказининг қарори ёки “Ишчи гуруҳ” хулосаси, кўрсатма-талабномасига асосан лойиҳани молиялаштириш, молиялаштиришни тўхтатиб туриш ва (ёки) тўхтатиш.

## 4. ИШЛАРНИ ТОПШИРИШ ВА ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

4.1. Мазкур шартнома бўйича бажарилган ишлар, унинг якуний ҳисоботлари Лойиҳа шартлари асосида Буюртмачи “Ишчи гуруҳи” тарафидан қабул қилиб олинади.

4.2. Лойиҳа иши босқичларини қабул қилиш жараёнида ушбу шартнома ҳамда “Лойиҳа шартлари”нинг илмий талаблари, шартномага илова қилинган календарь режасида кўрсатилган талабларга мос келмаслиги аниқланса, белгиланган ишлар ҳажмини Бажарувчи, Ижрочи тўлиқ бажаришга мажбурдир.

4.3. Агарда, “Ишчи гуруҳ” томонидан, ишнинг бажарилиш жараёнида салбий натижа олиниш ҳолати ёки ишни давом эттириш мақсадга мувофиқ эмаслиги, бажарилаётган ишлар



CamScanner yordamida skanerlangan

Лойиҳа шартларига мос эмаслиги, илмий ва техник жиҳатдан сифатсиз эканлиги аниқланса, "Ишчи гуруҳ" хулосасига асосан Бажарувчи, Ижрочи ишни тўхтатиши шарт. "Ишчи гуруҳ" бу ҳақда 3 (уч) кун ичида Буюртмачини расмий хабардор қилиши зарур. Ушбу ҳолатда, ишни кейинчалик давом эттириш ёки шартномани бекор қилиш тўғрисида Буюртмачи томонидан қарор қабул қилинади.

## 5. ШАРТНОМА ШАРТЛАРИНИ БУЗГАНЛИК УЧУН ТОМОНЛАР ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Бажарувчи, Ижрочи томонидан лойиҳа доирасида ишлар сифатсиз бажарилганлиги аниқланса, оралиқ босқич ҳужжатлари ва ҳисоботлар белгиланган талаблар даражасида расмийлаштирилмаса ҳамда ўз муддатларида топширилмаса, бундай ҳолатларда Бажарувчи қарори билан молиялаштириш тўхтатилади ва шартнома бекор қилинади.

5.2. Мазкур Шартнома асосида молиялаштирилган лойиҳа муваффақиятли якунланмаганлиги аниқланса, тарафларнинг айби "Ишчи гуруҳ" хулосасига кўра белгиланади. Ҳолат юзасидан Бажарувчи, Ижрочи айбдор деб топилган тақдирда харажатлар сметасидаги тегишли маблағнинг қолган 50 (эллик) фоиз қисми молиялаштириш жараёнидан тўхтатилади ёки лойиҳада белгиланган вазифа тўлиқ бажарилгунига қадар тўхтатиб турилади.

5.3. Агарда, Ижрочи томонидан лойиҳа бўйича бажарилаётган ишлар: сифатсиз бўлса, лойиҳа шартлари талабларига жавоб бермаса, ишларни бажариш муддати кечикаётган бўлса, "Буюртмачи" бу ҳақда "Бажарувчи"га маълум қилади ва бу холатда "Буюртмачи"нинг талаби билан "Бажарувчи" томонидан "Ижрочи" бошқа ходимга ("Ижрочи"га) алмаштирилади.

5.4. Шартнома шартлари бажарилмаган ҳолларда тарафлар ушбу шартнома ва Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик ҳужжатлари асосида жавобгардир.

## 6. ФОРС-МАЖОР ҲОЛАТЛАРИ

6.1. Агарда шартноманинг бажарилмаслиги қуйидаги ҳолатларнинг натижаси бўлса томонларнинг бирортаси ҳам ўзига олган мажбуриятларни тўлиқ ёки қисман бажарилмаслик ҳолатларида жавобгарликни ўз зиммасига олмайди: сув тошқини, ёнғин, зилзила ва бошқа табиий офатлар ва шунингдек уруш, ҳарбий ҳаракатлар, қамал, ёки давлат органларининг ҳаракати, шартнома тузилгандан кейин томонларнинг назоратидан ташқари бўлган бошқа шунга ўхшаш ҳолатлар. Бунда ушбу шартнома мажбуриятларини бажариш муддати бундай ҳолатларнинг ҳаракатланиш даврига мос равишда орқага сурилади.

## 7. МАХФИЙЛИК

7.1. Томонлар ушбу шартноманинг бажарилиши юзасидан ўзларига маълум бўлган тижорат сираларини учинчи шахсларга ошкор қилмасликлари шарт.

7.2. Шартнома бўйича Бажарувчи ўз фаолиятини амалга ошириш жараёнида аён бўлган махфий маълумотларни, тижорат сирини ошкор этмаслик шарт. (бундай маълумотларга Буюртмачининг ҳамкорлари, молиявий аҳволи, ишчилар таркиби, қўриқлаш тизими ҳақидаги, шунингдек бегона шахслар томонидан фойдаланилиши Буюртмачига ҳамда унинг ишчилари, ҳамкорлари ва мижозларининг манфаатларига зарар етказиши мумкин бўлган бошқа маълумотлар киради).

## 8. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ЧОРАЛАР

8.1. Ушбу шартнома бўйича Томонлар Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши қонунчилиги талабларига риоя этишга ва ушбу шартномага мувофиқ ўз ҳуқуқлари ёки мажбуриятлари билан боғлиқ равишда коррупцияга қарши қонун ҳужжатлари нормаларини бузишига қарши мумкин бўлган ҳар қандай чоралар кўришга мажбурдирлар. Шу жумладан, тижорат ташкилотлари, ҳокимият ва ўзини ўзи бошқариш органлари жисмоний ёки юридик шахсларига давлат хизматчилари, хусусий компаниялар ва уларнинг вакилларига пул ёки бошқа ҳар қандай шаклда пора бериш тақиқланади.



CamScanner yordamida skanerlangan

## 9. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

9.1. Ушбу шартномани бажариш чоғида юзага келиши мумкин бўлган низолар ва келишмовчиликлар Тарафлар ўртасидаги музокаралар йўли билан ҳал этилади.

9.2. Шартнома юзасидан келиб чиқиши мумкин бўлган низолар томонларнинг ўзаро келишуви билан хал этилади. Ўзаро келишувга эришилмаган тақдирда низолар Тошкент туманлараро иқтисодий судида ёки Ўзбекистон Ҳакамлик Судлари Ассоциацияси Тошкент шаҳар филиали ҳузуридаги Ҳакамлик судида қонунчиликка мувофиқ ҳал этилади.

## 10. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

10.1. Ушбу шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда тузилган ҳамда Тарафларнинг ваколатли вакиллари томонидан имзоланган бўлса, ҳақиқийдир. Ушбу шартномага иловалар унинг ажралмас қисмини ташкил этади.

10.2. Мазкур шартномада қисман ёки тўла равишда тартибга солинмаган масалалар Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик қонунчилиги ва ички меъёрий ҳужжатларга биноан ҳал қилинади.

10.3. Ушбу шартнома тўрт нусхада тузилди ва барча нусха бир хил кучга эга. Ҳар бир Томонга ушбу шартноманинг бир нусхаси берилади.

## 11.ТОМОНЛАР РЕКВИЗИТЛАРИ

| | |
|---|---|
| **“БУЮРТМАЧИ”**<br><br>**Ислом цивилизацияси маркази**<br><br>Манзили: Тошкент шаҳри, Қорасарой-47.<br>Банк: ХКҚМ Марказий банк Тошкент ш. Бош бошкармаси.<br>Ҳ/р: 23402000300100001010.<br>МФО: 00014. СТИР:305 013 690.<br><br>________________ Р.Ражапов | **“МОЛИЯЛАШТИРУВЧИ”**<br>**Алоҳида муҳим ижтимоий, маданий ва тарихий аҳамиятга эга бўлган объектларни қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш дирекцияси**<br><br>________________ **Шаабдурахманов Р.М** |
| **“БАЖАРУВЧИ”**<br><br>“Тошкент давлат шарқшунослик университети ректори”<br><br>________________ Г.Ш. Рихсиева | **“ИЖРОЧИ”**<br><br>“И.Б. Худайназаров”<br>**Манзил:** Тошкент ш. М.Улуғбек т. Феруза 4/10<br>**Паспорти:** АВ 6743631 Қуйичирчиқ тумани ИИБ<br>**ИНН:** 539014286<br>**Пластик карта** 5614 6819 0368 6628<br>**Банк:** Миллий банк<br>________________ И.Б. Худайназаров<br>ҲР. 23120000100011756372 |

МФО 00450
ИНН. 200836354



CamScanner yordamida skanerlangan